Ушбу сонда:

2 КАФОЛАТЛАНГАН ҲУҚУҚ

3 ТАДБИРКОРМИ, ЁКИ...

4 ИШОНЧНОМА НИМА?

АБАДИЙ ҲАЁТ... БОРМИ?

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 2 (457) 2006 йил 17 январ сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.**

**«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 16-МОДДА.**

# ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

***Гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳри истиқлол даврида яшариб, чирой очиб, тобора ўзгача кўрку-жозиба касб этиб бораётгани кўнгилга қувонч бағишлайди. Шаҳримизнинг бир-биридан равон йўлларида, кенг ва ёруғ кўчаларида қадам ташлар экансиз, қалбингиз беихтиёр завқ-шавққа, фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади. Чор-атрофда қад ростлаган маҳобатли иморатлар, шинам ва ораста кўчалар, янги боғ-роғлар завқингизни оширади. Қорли хиёбонларда сайр қилиб юрган чеҳраси очиқ, ғурури баланд ёшларга нигоҳингиз тушса, қайноқ яратувчилик муҳитида улғаяётган бу йигит-қизлар келажакда қандай бунёдкор инсонларга айланишини ўзингизча тасаввур этасиз. Зеро, буюкликдан буюклик туғилади. Ва бу саодатбахш фикр кишини тўлқинлантириб юборади. Эртанги кунга, буюк келажакка ишончимиз ортади.***

Сирасини айтганда, бунёдкор халқимиз Истиқлолга эришган кундан буён босиб ўтган йўл ғоятда самарали, тараққиётимиз одимлари залворли, салмоқлидир. Бунинг бир мисоли сифатида биз, ўзимиз Мустақиллик майдонида бўлиб, олган таассуротларимизни Сиз билан баҳам кўрмоқчимиз.

Агар ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг 28 январ куни кечқурун телевидение орқали "Мустақиллик майдони" деган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонининг қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳақида фикр юритиб, **"Мустақилликни қўлга киритгандан буён мана шу майдон масаласи фикризикримни банд этиб келади. Шу ҳақда ўйласам, кечалари уйқум қочиб кетади,** — деди. — **Яъни, қандай қилиб бу майдонни тартибга келтириш, эски тузум даврида йўл қўйилган жуда кўп бемаъни ишларга барҳам бериш мумкин?**

**Қандай қилсак, бу жой том маънода мамлакатимизнинг Бош майдонига айланади, халқимиз, миллатимизга абадий хизмат қиладиган бўлади?"**

Мустақиллик майдони илгари қандай бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу майдон яхлит бетондан ва пролетариат доҳийсининг баҳайбат ҳайкалидан иборат эди, холос.

1992 йили Юртбошимизнинг ташаббуси ва ғояси асосида, Ильичнинг ҳайкали ўрнида Мустақиллик монументи барпо этилди. У ер куррасида Ўзбекистон деб аталмиш янги бир давлат юзага келганини намоён этиб турар эди.

Шундан кейин бу ҳудудда ўзгаришлар бошланди. Хотира майдони миллий ўзига хослик, мукаммаллик касб этди. Тасвирий санъат галерияси қад ростлади.

Ўтган йили эса Мустақиллик майдони тубдан ўзгарди. У истиқлолимиз тимсолига, ҳар бир кўнгилга ғурур бағишлайдиган Бош майдонимизга айланди.

Сиз бугун Бош майдонимизга Эзгулик аркасидан кириб борасиз ва нав-ниҳол арчалар орасида оппоқ поёндоздек тўшалган гўзал йўл тўғри Мустақиллик ва Эзгулик монументи пойига олиб боради. Ва шунда монументга янгича мазмун ва теран моҳият бағишлаб турган янги обидага, гўдагини бағрига босган Бахтиёр она сиймосига беихтиёр кўзингиз тушади. У узоқ-узоқлардан ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Бахтиёр она пойига гул қўяётган келин-куёвларни кўрасиз ва кўнглингиз очилиб кетади.

Бошингизни кўтариб қарасангиз, истиқлол йилларининг яна бир мумтоз кошонаси — оқ-оппоқ Сенат биносига кўзингиз тушади. Олдида узунасига чиройли тош йўл, сўлим ва фусункор боғ, бу томони — "Хотира майдони", зумрад кўкаламзорлар, текис ва равон йўлаклар. Фавворалар азиз ва қадрдон бу масканга ўзига хос кўрк ва тароват бағишлаб турибди.

Бош майдонимиз бугун мамлакатимизнинг, унинг бугунги ва эртанги тараққиётининг тимсолига айланди, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Майдондаги ҳар бир обида халқимиз асрий орзуинтилишларини ўзида мужассам этади.

Бизнинг ота-боболаримиз ҳам онани, умуман аёл зотини ғоятда улуғлаб келган. Бунинг бир мисоли сифатида Бибихоним, Тожмаҳал каби мумтоз обидаларни эслаш кифоядир. Зеро, бу обидалар рўйи замин зийнати бўлгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Дунёдаги етти мўъжизанинг бири ҳисобланган Тожмаҳал миллий меъморчилигимизнинг ёрқин намуналарини ўзида ифода этган. У жаҳон меъморчилигининг бетакрор намунаси сифатида эъзозланади ва Шоҳ Жаҳоннинг суюкли маликаси Мумтоз Маҳалга меҳру муҳаббатини, садоқатини асрлар оша авлодларга сўйлаб келади.

Тилларда достон бўлган гўзал ва оқила Бибихонимга соҳибқирон бобомизнинг иззату ҳурмати ифодаси сифатида барпо этилган ноёб ва мумтоз обида ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Шарофиддин Али Яздий "Зафарнома"да жомеъ (Бибихоним) масжиди қурилишига улуғ Амир Темур бобомиз бош-қош бўлганини, унинг гумбази осмон гумбазига, пештоқи эса сомон йўли пештоқига монанд эканини таъкидлайди ва қуйидаги байтни келтиради: **"Обидаларимиз (авлодларга) бизнинг кимлигимиздан далолат берадилар"**.

Улуғ аждодларга хос эзгу ишлар бугун давом этмоқда. Миллатнинг оналарга, аёл зотига улуғ эҳтироми Бахтиёр она ҳайкали сиймосида намоён бўлса, авлодларга меҳр ва муҳаббат унинг қўлидаги масъум гўдак тимсолида яққол кўзга ташланиб турибди.

Зеро, гўзал иншоотлар, мумтоз обидалар инсонни маънавий жиҳатдан тарбиялайди, мудом эзгу ишларга ундаб туради.

Мустақиллик монументига уйғун ҳолда Бахтиёр она сиймоси барпо этилиши озодлигимиз моҳият-эътибори билан мана шу эзгу мақсадга — оналарни, фарзандларни эъзозлашга хизмат этишидан далолат беради. Яхлит ҳолда монумент мустақиллик билан эзгулик эгизак эканини, бу халқ, бу юрт ўз келажагига яхшилик тилаб яшаётганини англатиб туради.

Ушбу обидани зиёрат этган Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов шундай деб ёзади:

***Майдон мафтун этди***
***кўпларни ғоят,***
***Бу жойда айтилди***
***қанча ривоят.***
***Бир кун она-бола***
***кириб келди-ю,***
***Майдон эгасини***
***топди ниҳоят!***

Дарвоқе, биз бу майдонга Эзгулик аркаси орқали кириб борилади, дедик. Зеро, бу — мамлакатимиз бош дарвозасидир.

Кумушдек товланиб турган беқиёс Эзгулик аркасига назар ташлар эканмиз, мамлакатимизда озодлик ва эркинлик ҳақидаги асрий орзулар рўёбга чиқаётганини, юртимизнинг янада обод бўлиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши авваламбор истиқлол шарофати эканини яна бир карра ҳис қиламиз, идрак этамиз.

*(Давоми учинчи бетда)*

Munosabat

**Куни кеча халқимиз ҳар биримиз учун қадрли байрам — Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлади. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов "Ватан ҳимоячиларига байрам табриги" йўллади. Унда Қуролли Кучларимизнинг Ватан озодлигини ҳимоя этиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасидаги беқиёс хизматлари таъкидланган ҳолда, жумладан, шундай дейилади: "Ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа – Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолажак".**

# ЮКСАК МАҚСАД ВА ШОН-ШАРАФ ИШИ

Байрам муносабати билан Ватан ҳимоячиларига кўрсатилган иззат ва ҳурмат, ибратли хизматлари учун қатор ҳарбийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши ушбу фикрнинг тасдиғидир.

Биз, йигитлар ушбу санани ўзимизнинг байрам сифатида кенг нишонладик. Кўчага чиқсак, қор ёғаяпти. Қорнинг ёғиши ҳатто эртаси кун ҳам тинган эмас. Лекин мана шу ҳавода, қорли, бўронли кунда сарҳадларимиз дахлсизлигини кўриқловчи аскар ўз постидан бир қадам жилмай, сиз ва бизнинг осойишталигимизни ҳимоя қилади. Шу боис кўнглимиз тинч, болаларни етаклаб хотиржам юрамиз...

Бундай фидойилар ҳақиқатан ҳам, юксак иззат-ҳурматга муносибдир.

Шу ўринда, бундан борйўғи ўн беш йил аввалги тарихни бир эсга олайлик. Собиқ шўро тузуми даврида йигитларимиз асосан ҳарбий қурилиш батальонларида хизмат қилгани, натижада улар ҳарбий билимдан баҳраманд бўлиш ўрнига икки йил умрини бекорга ўтказгани ҳеч кимга сир эмас. Фақат истиқлолнинг шарофати билан ўзбек ўғлонлари бошқа соҳалар каби, ҳарбий тизимда ҳам ўз салоҳиятини кўрсатиш имконига эга бўлди.

Эндиликда армиямизни шартнома-контракт негизида профессионал асосга ўтказиш жараёни ниҳоясига етмоқда. Ҳарбийликни ўз қисмати, ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган янги ватанпарвар авлод юзага келмоқда. Улар илғор тажрибаларни пухта ўзлаштирмоқда, сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолият кўрсатмоқда ва улар замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганидек, **бугун ҳарбий хизмат нафақат йигитлик бурчини адо этиш, балки орзу-ҳавас, юксак мақсад ва шон-шараф ишига айланмоқда.**

Ҳарбий хизмат бугун аскардан фақат ҳарбий қурол-аслаҳадан фойдаланишни эмас, балки юксак интелектуал салоҳият, ақл-заковат ва юқори савияли малака талаб қилади. Чунки унга энг замонавий қурол-аслаҳа, жанговар ҳарбий техника ишониб топширилган. Демак, аскар ана шу жанговар техникадан фойдалана оладиган даражада замонавий билим ва малака соҳиби бўлиши даркор.

Мана шундай омиллардан оқилона фойдаланилган ҳолда, армиямиз замон талабига мос равишда ихчам ва профессионал шаклга келтирилмоқда.

Юртимизда ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланиши, аскарликка йигитларнинг юксак талаблар асосида олиниши, хизматни ўтаб қайтган ёшлар тақдирига эътибор бу соҳа мавқеини йилдан-йилга ошираётгани сир эмас, албатта.

Биз бугун Ватан ҳимоячиси деганда билаги кучга тўлган, дунёқараши кенг, билимдон, зеҳни ўткир, ҳушёр ва сергайрат, малакали асл йигитларни кўз олдимизга келтирамиз. Уларнинг эпчиллигига, барваста қоматига ҳамманинг ҳаваси келади. Ота-оналар эса: "Келажакда менинг ўғлим ҳам Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга сазовор бўлади"! — деб умид қилади.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаб айтганидек, **эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар заҳирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.**

Дарҳақиқат, кейинги йилларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларни иш билан таъмин этиш, олий ўқув юртида ўқиш нияти бўлган намунали аскарларга қатор имтиёзлар яратиш борасида кўп-кўп амалий ишлар қилинди. Албатта, бунинг учун, аввало, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаси бўлиши, демак, аъло даражада хизматни ўташ даркор. Ана шу тавсиянома соҳиби олий ўқув юртига киришда тест синовларидан тўплаган балларига қўшимча равишда энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида балл олади. Шунингдек, тавсиянома эга бўла туриб, тест синовларида етарли балл тўплай олмаган абитурентлар айрим таълим йўналишлари бўйича тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинади.

Ушбу имтиёзлар ҳам йигитлар орасида ҳарбий хизматга муносабатни оширишга хизмат қилмоқда. Энг асосийси, бугунги аскар билан кечаги аскар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бугун ҳар бир аскар том маънода Ватан ҳимоячисидир. У кундик қони тўкилган муқаддас замин сарҳадларини, она юртини, она халқини, унинг тинчлик ва осойишталикни ҳимоя этади. Инсон учун эса бундан кўра шарафли ва мўътабар вазифа йўқ.

Ўғлонларимиз мана шу ҳақиқатни чуқур ҳис этгани учун жанубий сарҳадларимизга суқилиб киришга уринган халқаро террорчиларга, турли хил бузғунчи тажовузларга ўз вақтида муносиб зарба берди. Ўзбекистон ўз манфаатларини ўзи ҳимоя қила олишини барчага намойиш этди. **"Биз ана шу хатарли таҳдид ва мисли кўрилмаган тазйиқларга, туҳмат ва уйдирмалар оқимига мардона қарши тура олдик, ҳар бир оила ва бутун мамлакатимизда тинчлик, осойишталикни сақлашга муваффақ бўлдик ва бугун қатъий ишонч билан ўз келажагимизни барпо этмоқдамиз"**, дейди Президент Ислом Каримов. Бунда қисқа вақт ичида эл-юрт тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқонига айланган, ҳарбий қудрат ва маҳорат борасида ҳеч кимдан кам бўлмаган Миллий армиямизнинг, баҳодир ўғлонларимизнинг хизматлари беқиёсдир.

**Ш.ҲАМРОЕВ**

Qaror va ijro

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган бюджет ва солиқ соҳаларини эркинлаштириш жараёни иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Бу эса солиқ тизими фаолиятининг янада очиқ ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда унификация қилиш имконини бериши билан бирга корхоналар зиммасидаги солиқ юкини сезиларли даражада енгиллаштиришга хизмат қиляпти.**

# СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ: ЯНГИЛИК ВА ИМТИЁЗ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг илк қўшма мажлисидаги маърузасида солиқ сиёсатини такомиллаштириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, шунга эришмоқ керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган эди.

Шу маънода, жорий йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар барча солиқ тўловчиларни қизиқтириши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг масъул ходими Файзулла МИРЗАЕВ билан суҳбатимиз 2006 йилда солиқ тизимига киритилган ана шундай ўзгартиришлар хусусида бўлди.

— Президентимизнинг 2005 йил 27 декабрдаги **«Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»**ги қарори асосида солиқ қонунчилигига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, бюджетнинг 2006 йилги параметрлари тасдиқланди, — дейди Ф.Мирзаев. — Бу ўзгартириш ва қўшимчалар мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Солиққа тортишнинг ўхшаш базасига эга бўлган солиқларни бир хиллаштириш, солиқ механизмини соддалаштириш, ресурсларни тежовчи ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи ресурс солиқлари ставкаларини мақбуллаштириш, уларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва бошқа заҳиралар ҳисобидан солиқ солиш базасини кенгайтириш асосий мақсадлардандир.

Буларнинг амалда жорий этилиши ҳисобига жорий йилда солиқ тўловчилар учун қатор енгилликлар яратилди. Жумладан, истеъмол товарлари ва болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ҳукуматимизнинг 2002 йил 13 ноябрдаги **«Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори билан белгиланган амалдаги имтиёзлар сақлаб қолинди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

Bugunning gapi

# ҚУТЛУҒ МАҚСАД САРИ

***Бугун юртимизда тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатига алоҳида эътибор берилиб, бу соҳа вакиллари ўз имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилаётган экан, бу эзгу саъй-ҳаракат замирида бугунги ва келажак ҳаётимизга дахлдор катта мақсад мужассам.***

Мен ҳам бир тадбиркор аёл сифатида ўзимнинг куч-ғайратим, саъй-ҳаракатларимни ана шундай қутлуғ ишга сарф этаётганимдан беҳад қувонаман, албатта.

Дастлаб 1998 йилда 22 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Кейинги йилда қўшимча яна 18 гектар ер олдик. 2004 йилда эса ер майдонимиз 65 гектарга етди.

Албатта, тадбиркорлик йўлини танлаб кам бўлмадик. Энг асосийси, бугун хўжалигимиз тўлиқ оёққа туриб олган, иқтисодий ва техника базаси мустаҳкам. Мисол сифатида айтадиган бўлсам, бугун хўжалигимизда 7 та Т-4, МТЗ-80, К-150 русумли тракторлар, бешта комбайн ва бошқа ўнлаб техника механизмлари мавжуд. Буларни таъкидлашдан мақсадим шуки, техника деҳқоннинг қаноти ҳисобланади.

2005 йилда 30 гектар ерга пахта, 30 гектарда ғалла ва 3 гектар ерга эса чорва озуқалари эккан эдик. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 40 центнерга етди, давлатга 114 тонна юқори навли ҳосил топширдик. Ғалланинг ҳар гектаридан 50 центнердан, жами 197 тонна сара дон олиб, шунинг 67 тоннасини давлатга сотдик, 80 тонна дон хўжалигимизда қолди. Хўжалик аъзолари ва қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга 10 тоннадан зиёд ғаллани бепул тарқатдик. Шулардан ҳам кўринадики, деҳон бойиса, юрт бойийди, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлади, ҳаётимизга файз-барака киради, одамларнинг ҳаётга, эртанги кунга ишончи янада ортади.

Ўтган йилни сарҳисоб қилганимизда фақат пахта ва ғаллачиликдан 47 миллион сўмлик даромад қилибмиз. Ана шу даромад ҳисобидан қишлоғимизда ободонлаштириш ишларини олиб бораяпмиз.

Барча техникаларимиз созлиги туфайли ҳозиргача биринчи яхоб сувини бериб, далаларга 100 тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқариб қўйдик. 30 гектардаги ғалла майсалари баравж ўсмоқда. Ариқ бўйларига 1000 туп тут кўчатлари ўтқаздик. Бу келажакда пилладан ҳам мўл ҳосил олиш учун замин яратилди дегани.

Албатта, биз қўлга киритаётган бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Аввало юртимизда ишлайман, ўзимни нималарга қодир эканлигимни кўрсатаман дея юраги жўш урib турган ҳар бир киши учун қулай имконият яратилди.

Энг муҳими, ўтган йил давлатимиз раҳбари томонидан бевосита тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бу соҳа вакилларининг эркин фаолият юритишини таъминлашга қаратилган бир қатор фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши бизнинг ишончимизни янада мустаҳкамлаб, кўнглимизда чексиз рағбат уйғотди.

Ўрни келганда яна шуни айтишни истардимки, бугун биз, фермерларга ер ишониб топширилган экан, демак, фақат ўзимизнинг манфаатимизни эмас, балки кўпчилик манфаатини кўзлаб, меҳнат қилишимиз керак.

Шундагина кўзлаган қутлуғ мақсадимизга эришамиз.

**Гулчеҳра ҲАЛИМОВА,**
**Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги "Ғаллакор" фермер хўжалиги раиси**

Muloqot

# ИШ ҲАҚИ САҚЛАНМАГАН ТАЪТИЛ

***Яқинда оилавий аҳволим туфайли бир ҳафта ишга бора олмадим. Шунда танишларимдан бири иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга чиқишимни маслаҳат берди. Бироқ мен бу қандай таътил ва у кимларга берилиши ҳақида тасаввурга эга эмасман. Илтимос, шу тўғрисида батафсил тушунча берсангиз.***

**Н.АЛИМОВА,**
**Нарпай тумани**

— Ҳа, қонунда таътилнинг шундай тури ҳам белгиланган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 150-моддасида иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил ҳақида фикр юритилиб, ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши, унинг муддати эса ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланиши қайд этилган.

Бундан ташқари қонунда қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилиши қайд этилган:

— 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга; - ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга — ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар.

Шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар берилади.

# УЙ ЭГАСИЗ БЎЛСА...

***Ён қўшним уйини сотиб бошқа шаҳарга кўчиб кетди. Уйни сотиб олган киши эса бир йилдан буён кўчиб келгани йўқ. Уй эса тобора қаровсиз ҳолга келмоқда. Айтинг-чи, фуқаро бир йилдан ортиқ вақт мобайнида уйида яшамаса ҳам уй-жой унинг ҳисобида сақланиши мумкинми?***

**Аҳмад ЗАРИПОВ,**
**Марғилон шаҳри**

— Уй-жой кодексининг 54-моддасига асосан, доимий яшаётган фуқаро турар-жойида вақтинча яшамаганида ёки бўлмаганида бу жой олти ой муддат мобайнида унинг ҳисобида сақланиб туради.

Фуқарони квартирадаги (уйдаги) турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш учун унинг мазкур турар-жойда олти ойдан ортиқ муддат мобайнида узрли сабабларсиз яшамагани асос бўлади. Фуқарони турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш турар жой мулкдорининг ёки мулкдорларидан бирининг даъво аризасига биноан фақат суд тартибида амалга оширилади.

Турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисида даъво билан мурожаат этиш ҳуқуқи жавобгар турар-жойини ташлаб кетган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейингина юзага келади.

Бундан ташқари, Уй-жой кодексининг 52-моддасига асосан, фуқаро олти ойдан ортиқроқ вақт мобайнида бўлмаган тақдирда ҳам турар-жой унинг ҳисобида сақланиш асослари назарда тутилган Бунга кўра, қуйидаги ҳолларда олти ойдан ортиқ муддат уй унинг ҳисобида сақланиб туради:

— ҳарбий хизматга чақирилганда — чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида;

— контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётганда контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташнинг бутун даври мобайнида;

— иш шароитлари ва хусусияти бўйича (кема экипажи, геология, қидирув гуруҳларининг, экспедицияларнинг ходимлари ва ҳоказолар);

— хизмат сафари билан чет элда бўлиши ёки чет элда таълим олиши муносабати билан (талабалар, аспирантлар ва бошқалар) доимий яшаш жойидан вақтинча жўнаб кетишганда — ушбу ишни бажариш, хизмат сафарида бўлиш ёки таълим олишнинг бутун даври мобайнида;

— болаларни тарбиялаш учун болалар муассасасига, қариндошларга ёки ҳомийларга, васийларга топширилганда улар ушбу муассасада, қариндошлар ёки ҳомийлар, васийлар қарамоғида бўладиган бутун давр мобайнида, агар болалар чиқиб кетган турар-жойда оиланинг бошқа аъзолари яшаш учун қолган бўлса, бундай ҳолда фуқаро олти ойдан ортиқ вақт мобайнида бўлмаганда ҳам турар-жой унинг ҳисобида сақланади.

# МУЛК ҲУҚУҚИ ЧЕКЛАНМАГАН

***Уч нафар фарзандимиз бор. Бироқ улар ҳали вояга етмаган. Биз уларнинг номига мулкимизни ўтказиб қўйсак бўладими? Умуман айтганда, болалар нега ёшдан хусусий мулкка эга бўлиши мумкин?***

**З. НАРЗУЛЛАЕВА,**
**Тошкент шаҳри**

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, болаларнинг хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 18-моддасида таъкидланишича, фуқаролар:

- мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлиши; мол-мулкни мерос қилиб олиш ва васият қилиб қолдириш; банкда жамғармаларга эга бўлиш; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамкорликда қонунда таъқиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш; ёлланма меҳнатдан фойдаланиш; юридик шахслар ташкил этиш; битимлар тузиш ва мажбуриятларда иштирок этиш; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилиш; машғулот турини ва яшаш жойини танлаш, фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Фуқаролар бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, вояга етмаганлар хусусий мулкка ота-оналари, васийлари ва ҳомийлари орқали эга бўлади.

**Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди**

# СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ: ЯНГИЛИК ВА ИМТИЁЗ

Qaror va ijro

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб экология солиғи, юридик ва жисмоний шахслар савдо корхоналарида савдо қилиш ҳуқуқи учун тўлайдиган ойлик йиғимлар бекор қилинди. Даромад солиғи тўловчи корхоналар учун солиқ ставкаси 12 фоиз этиб белгиланди. Бу ўтган йилдагидан уч фоиз камдир.

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасига киритиладиган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизлар, мукофотлар ва уларга нисбатан ижтимоий суғуртага ажратмалар, қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари солиқ солиш базасидан чиқариб ташланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида кўрилган зарарни солиқ солиш базасидан кейинги беш йил мобайнида (лекин ҳар йили солиққа тортиладиган даромаднинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда) чиқариб ташлаш механизми жорий қилинди. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан дивидентлар ва фоизлар тарзида олинадиган даромадлардан солиқ ставкалари 15 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилди.

**— Жорий йилда микрофирма ва кичик корхоналарни солиққа тортиш тизимига қандай ўзгаришлар киритилди?**

— Жорий йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови тўловчи микрофирма ва кичик корхоналарга ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғи тўлаш ҳуқуқи берилди. Ушбу корхоналар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи суммасига камайтириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Лекин тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига ҳисобланган ягона солиқ суммасининг 50 фоизи миқдоригача камайтирилиши мумкин. Бу жараёнда ягона солиқ тўловчилар умумий ўрнатилган тартибда солиқ тўловчи корхоналар билан уларга маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчи кичик корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланади.

Харид, таъминот-сотиш, брокерлик фаолияти, шунингдек, комиссион шартномалар бўйича хизматлар кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқнинг амалдаги 30 фоизлик ставкалари сақлаб қолинди.

Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва жорий этиш билан шуғулланувчи корхоналар ишлаб чиқариш ва жорий этишнинг ҳажми жами маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотуви ҳажмининг 80 фоизидан кам бўлмаган ҳолларда беш фоизли ставка бўйича ягона солиқ тўлайди.

**— Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларда қандай ўзгаришлар бўлди?**

— Жисмоний шахслар даромад солиғининг ўрта ставкаси (5 минимал иш ҳақидан 10 минимал иш ҳақигача) 21 фоиздан 20 фоизга, юқори ставкаси (10 минимал иш ҳақидан юқори) 30 фоиздан 29 фоизгача пасайтирилди. Бунда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига оид ажратманинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.

Жисмоний шахслар мол-мулки, хусусан, ижарага берилган автотранспорт воситалари учун Солиқ кодексининг 55-моддаси бўйича умумбелгиланган тартибда солиқ ундирилади.

**— Қўшилган қиймат ва акциз солиғи тўловчилар учун қандай янгиликлар бор?**

— Қўшилган қиймат солиғининг 20 фоизли солиқ ставкаси ўзгаришсиз қолди. Лекин қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга маҳсулот етиштиришга бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари учун белгиланган қўшилган қиймат солиғининг «0» даражали ставкаси бекор қилинди.

Акциз солиғи бўйича жорий солиқ ставкаларида ўзгариш бўлмади. Фақат 2006 йилдан республикамизда суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчи корхоналарга суюлтирилган газ учун 21 фоизлик акциз солиғи жорий қилинди. («Ўзкоммунхизмат» агентлиги тизимидаги корхоналар томонидан аҳолига реализация қилинадиган газ ҳажми бундан мустасно).

**— Солиқ сиёсатини такомиллаштириш жараёнида асосий юк ресурс солиқлари тушишига эътибор қаратиляпти. Бу борада жорий йилда қонунчиликка қандай ўзгартиришлар киритилди?**

— 2005 йилдаги ер солиғи, ягона ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари янги йилдан бошлаб 1,5 маротабага индексация қилинди.

Мол-мулк солиғи бўйича солиқ ставкалари ўзгартирилмади. Экспортчи корхоналар учун ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг эркин конвертацияланадиган валютадаги экспортининг реализация умумий ҳажмидаги улушига боғлиқ ҳолда ўтган йили амал қилган даромадларига солиқ солишнинг регрессив шкаласи сақлаб қолинди.

**— Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи ҳам такомиллаштирилган бўлса керак?**

— Ҳа, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ернинг норматив қийматидан ягона ер солиғининг ўтган йили амал қилган солиқ ставкаси 1,3 баравар индексацияланди.

2006 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидан кейин Андижон, Бухоро, Хоразм вилоятларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳам ягона ер солиғини қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматига қараб тўлайдиган бўлди. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб, ягона ер солиғининг 1,5 фоиз ставкаси жорий қилинди.

**— Ижтимоий суғуртага мажбурий бадаллар ва ажратмалар бўйича қандай ўзгаришлар бор?**

— Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 31 фоиздан 25 фоизга туширилиб, унинг мақсадли жамғармаларга муайян ставкалар бўйича тақсимланиши жорий қилинди. Жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига - 24,2 фоиз, Давлат бандликка кўмаклашиш фондига - 0,5 фоиз, Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига - 0,3 фоиз.

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси асосида изчиллик билан амалга оширилаётган солиқ сиёсати ишлаб чиқаришнинг ўсиши, аҳоли реал даромадларининг кўпайиши ва иқтисодиётимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди**

Shartnoma qonunchiligi

**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси "Афросиёб-Мева" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига 10 та даъво ариза киритганди. Суд ушбу даъво аризаларини тўлиқ қаноатлантирди.**

# ҚАРЗДОРЛИК

## шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигидан келиб чиқди

Шуни айтиш керакки, "Афросиёб-Мева" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси Булунғур туманида жойлашган. Қарангки, ўнта жавобгарнинг барчаси шу тумандан. Бу масаланинг яна бир ўхшашлик томони бор. Яъни маҳсулот етказиб бериш учун шартнома тузган хўжаликларнинг барчаси қўшма корхонадан аввалдан бўнак пули ҳам олишган. Аммо баъзи хўжаликлар ҳатто олган бўнак пулини қоплайдиган миқдорда ҳам маҳсулот топширмагани кишини таажжубга солади.

Албатта, қўшма корхона яқинида жойлашгани деҳқонга қулайлик туғдиради. Етиштирган маҳсулотни узоққа ташиб бориб, ортиқча сарф-харажатдан халос бўлганга нима етсин? Масалан, "Бешкуви" ширкат хўжалиги ҳам шундай имкониятга эга эди.

Гап шундаки, қўшма корхона билан ширкат хўжалиги ўртасида 2005 йилнинг 23 февралида 102-сонли контрактация шартномаси имзоланганди. Шартномага кўра, ширкат хўжалиги ҳар бир тоннаси 27 минг сўмдан 1 минг 700 тонна, яъни 45 миллион 900 минг сўмлик помидор етказиб бериши керак эди. Шунингдек, шартномада маҳсулотни белгиланган ҳажмда ва ўз муддатида етказиб бериш учун бўнак тўлови ҳам кўзда тутилганди. Рост-да, ўзаро ҳамкорликда шерикни қўллаб-қувватлаган яхши. Қисқаси, қўшма корхона "Бешкуви" ширкат хўжалигига бўнак тўлови ҳисобидан 10 миллион 67 минг 500 сўмлик товар моддий бойликлар етказиб беради.

Оларнинг берари бор. Бировдан маҳсулот ҳақини бўнак тарақасида олгач, маҳсулот етказиб бериб, орани очиқ қилиш лозим. Акс ҳолда икки ўртада ишонч йўқолади. Шерикликка путур етади. Хуллас, ширкат хўжалиги тайёрловчига бор-йўғи 6 миллион 72 минг 450 сўмлик маҳсулот топширган. Оқибатда 3 миллион 995 минг 50 сўм қарздор бўлиб қолган.

Вилоят хўжалик суди "Бешкуви" ширкат хўжалиги ҳисобидан 3 миллион 995 минг 50 сўм қарзни "Афросиёб-Мева" қўшма корхонаси фойдасига ундиришга қаратилган ҳал қилув қарори қабул қилди. Почта ва суд харажатлари ҳам жавобгар тараф зиммасига юклатилди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, қарздорлик шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигидан юзага келди. Тўғриси, шартнома тузиш қийин иш эмас. Ҳамма гап унинг мажбуриятларини бажаришда. Бу эса ҳар бир мутасаддидан алоҳида масъулият, ҳалоллик ва самарали меҳнат талаб қилади.

**Абдуҳамид ТАМИҚАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Huquqiy savodxonlik sari

# ҚАФОЛАТЛАНГАН ҲУҚУҚ

**Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий хусусияти қонунийлик ва ижтимоий адолатнинг тўла қарор топгани, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли муҳофаза этилганида намоён бўлади. Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш суд идораларига юклатилганки, одил судловни амалга ошириш орқали бу масъулиятли вазифа адо этилади.**

Меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқлардан бўлгани боис, унинг самарали ҳимоясига эришиш фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг асосий шартларидан саналади.

Меҳнат кодексининг 99-моддасида меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш шартлари кўрсатилган. Мазкур моддага кўра, **"Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиш шарт. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин"**

Шунингдек, Меҳнат кодексида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш шартлари ҳам кўрсатилган бўлиб, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шартлиги уқтирилган.

Фуқаро ўзини ишдан ғайриқонуний бўшатилган деб ҳисоблаган тақдирда, Меҳнат кодексининг 269-моддасига асосан, ишга тиклаш масаласида бевосита фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожат этишга ҳақли. Бунинг учун ходим ўзи билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхасини қўлига олган кундан бошлаб бир ой муддатда судга мурожаат қилиши лозим. Бундай ишлар даъво тартибида судда кўриб чиқилади. Суд ходимни ишдан бўшатишда иш берувчи қонунга қай даражада риоя қилинганини аниқлаб, меҳнат низоларини ҳал қилади. Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида уқтирилишича, меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатларида даъвогар ва жавобгар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан иш судда кўришга тайёрланган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирилмай, бошқа ҳолларда эса йигирма кундан кечиктирилмай кўриб чиқилади.

Бугунги кунда аксарият аёллар турли ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилишади. Табиийки, улар ишга жойлаш ва меҳнат фаолияти жараёнида турли муаммоларга дуч келишади. Меҳнат қонунчилигида эса, уларга бир қатор кафолат ва имтиёзлар белгиланган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 224-моддасига биноан, ҳомиладор ёки ёш боласи бор аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш таъқиқланади. Ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилишни рад этган иш берувчи бунинг сабабларини ёзма равишда маълум қилиши шарт. Зотан, бундай ҳолатларда аёл судга шикоят қилишга ҳақли.

Мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида ҳомиладор ёки икки-уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни ноқулай шароитидан холи бўлган бошқа енгилроқ ишга ўтказиш, улар тунги, ишларда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилинмаслиги белгиланган. Шунингдек, ногирон болалари бор аёлларга қўшимча дам олиш куни, ҳомиладор ёки чақалоқли аёлларга хоҳишига қараб йиллик ёки гўдакни парваришлаш учун вақтинчалик таътиллар ва танафуслар берилиши кафолатланган ҳамда имтиёзлар кўрсатилган.

Қонунга кўра, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Корхона тугатилган тақдирда ҳам бу тоифа аёлларни, албатта, ишга жойлаштириш шарти билан меҳнат шартномаси бекор қилинади. Ишга тиклашга доир низолар судда иш берувчи корхона, ташкилот раҳбарини жалб этилган ҳолда кўриб чиқилади.

**"Давлат божи тўғрисида"**ги қонуннинг 4-моддасига асосан, даъвогар иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъвоси ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблари юзасидан давлат божи тўловидан озод этилади. Мазкур низолар юзасидан судга мурожаат қилишда фуқаролар ҳар бир туманда ташкил этилган Адвокатлар ҳуқуқий маслаҳатхонасига мурожаат этиб, тегишли малакали ҳуқуқий ёрдам олишлари мумкин.

**Х.СУРМАНОВА**

**Тадбиркор Аҳадулло Муҳаммадиев бир текисда иш юритаётган эди. Унинг фаолияти юзасидан бирон-бир киши эътироз ҳам билдирмаганди. Аммо кунларнинг бирида кутилмаганда эшикдан текширувчилар кириб келишди. Ва текшириш ниҳоясида 1410 сўм хизмат кўрсатиш тушуми назорат касса машинасидан ўтказилмаган деган айб қўйилди.**

# ҚИММАТГА ТУШГАН ХАТО

## ва унинг қандай бартараф этилганлиги хусусида

Шундан сўнг 2005 йилнинг 25 июлида тадбиркор А.Муҳаммадиевга энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида — 783 минг 500 сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисида Навоий шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг қарори чиқди. Аммо Аҳадулло Муҳаммадиев ўтказилган текшириш ва қўлланилган молиявий жаримадан норози бўлди. Хўш, унинг норозилиги ўринлими? Агар шундай бўлса, нега молиявий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди?

Аввало тадбиркорнинг фаолияти ҳақида икки оғиз сўз. У хизмат қиладиган "Халқаро сўзлашув пункти" Навоий шаҳрининг 9-кичик туманида жойлашган. Аҳолига республикамиз туман ва шаҳарлари ҳамда халқаро телефон орқали сўзлашув бўйича хизмат кўрсатади. Бугунги кунда телефон алоқа хизмати тезкор давр талаби даражасида. Зарурий қулайликлар юзага келтирилган. Текширишдан ўтган "Халқаро сўзлашув пункти" ҳам замон талабидан орқада қолмаган.

Бундай дейишимизнинг боиси А.Муҳаммадиевнинг "Халқаро сўзлашув пункти" пул тушуми "Навоий телеком" компьютери орқали рўйхатдан ўтган. Аниқроқ айтганда, ким, қанча муддат қайси манзил билан телефон орқали гаплашгани компьютерда ёзилиб борилади. Демак, неча дақиқа гаплашилгани компьютерда рўйхатга олиндими, унинг пули қанча бўлиши ҳам замонавий техниканинг хотирасида сақланади. Бундай ҳолда А.Муҳаммадиев хоҳлайдими, йўқми, тушган пулни тўлиқ банкка топширади.

Бундан ташқари бу масаланинг қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган яна битта жиҳати бор. Яъни "Халқаро сўзлашув пункти" билан "Навоий телеком" ўртасида ижара шартномаси тузилган. Мазкур шартномага кўра, 80 фоиз тушум "Навоий телеком"га, 20 фоизи эса тадбиркор А.Муҳаммадиевга ойлик маош сифатида қолади. Бундан кўриниб турибдики, А.Муҳаммадиевга қарашли "Халқаро сўзлашув пункти" пул тушуми "Навоий телеком" компьютери орқали рўйхатдан ўтса, давлат бюджетига ҳеч қандай зарар етказмаса, нақд пул тушуми камайишига олиб келмаса, тадбиркорга нисбатан 783 минг 500 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш ўринсизга ўхшайди. Демак, А.Муҳаммадиевнинг вилоят адлия бошқармасидан кўмак сўрагани бежиз эмас экан-да?!

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: хўш, тадбиркор Аҳадулло Муҳаммадиевнинг фаолиятини текширишга бирон-бир зарурат туғилганмиди?

Аслида вилоят Давлат солиқ бошқармасининг "Ишонч" телефонига Нурота тумани Усмон Юсупов кўчаси, 34-уйда истиқомат қилувчи К.Улуғбердиев қўнғироқ қилган экан. Унинг мурожаатига асосан вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг 2005 йил 20 июлда 335-ХС-сонли буйруғи чиқади. Буйруқда Навоий шаҳар 9-кичик туманда жойлашган алоқа хизмати кўрсатиш шаҳобчасида хизмат ҳақи пул тушуми қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказиш қайд этилганди. Худди ана шу буйруқ чиққан 20 июл санасида вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари — Ш.Тоиров ва Б.Жуманиёзов бир кунга қисқа муддатли текширишга юборилган.

Албатта, буйруқда қайси хўжалик юритувчи субъект фаолияти текширилиши лозимлиги аниқ ёзиб қўйилган. Лекин солиқ бошқармаси ходимлари — Ш.Тоиров билан Б.Жуманиёзов алоқа хизмати кўрсатиш шаҳобчасини эмас, балки А.Муҳаммадиев фаолият юритаётган "Халқаро сўзлашув пункти"га текширишга киришади. Масаланинг яна бир томони борки, уни ҳам тилга олмаслик инсофдан бўлмайди.

Гап шундаки, Президентимизнинг 1996 йил 8 августдаги Фармонига асосан мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текшириш назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда ўтказилади. Бу ўринда Президент Фармонининг ҳам ана шу талаби бузилган. Аниқроқ айтганда, текшириш Назорат қилувчи бу идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномасисиз ўтказилган.

Бугун мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган экан, ҳар бир масалага холис, ҳаққоний баҳо бериш учун аввало қонунлар, қарорлар ва Президент Фармонларига таянилади. Агар А.Муҳаммадиевга Навоий шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан қўлланилган молиявий жаримага тўхтаниладиган бўлсак, бу ўрнида Президентнинг 2005 24 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"**ги Фармонини эслаш кифоя. Мазкур Фармоннинг 1-бандида тадбиркорлик субъектлари томонидан

Taassuf

биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва аҳамиятли, шунингдек, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд идораларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилиши белгиланган.

А.Муҳаммадиевнинг "Халқаро сўзлашув пункти" фаолиятида давлат бюджетига зарар етмаган ва нақд пул тушуми камайишига олиб келган. Шу сабабдан ҳам вилоят адлия бошқармасининг тадбиркор А.Муҳаммадиевнинг қонуний манфаатини кўзлаб киритган даъвоси хўжалик суди томонидан қаноатлантирилди. Суд шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг А.Муҳаммадиевга 783 минг 500 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топди.

Гувоҳ бўлганингиздек, мутасадди идора ходимларининг хатоси бир тадбиркорнинг тинчини бузди. Бироқ суд қарори билан ҳақиқат юзага чиқди. Тадбиркор йўқ жойдан чиқимдор бўлиб қолмади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, бугун тадбиркор қонун билан мустаҳкам қуршаб олинган. Унга муомала муносабатида бироз ўйлаброқ иш қилган маъқул. Шошмашошарлик оқибати юқоридагидек яхши бўлмайди. Айниқса, назорат қилувчи идоралар ходимлари буни унутмасликлари керак.

**Алишер БОБОҚУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Mustaqillik maydonida bir soniya

# ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

**"Эзгулик аркаси,** — деб таъкидлаган эди Президент Ислом Каримов, — **ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонаман. Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истаксиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза остонасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида, барча бунёдкорлик ишларидан кўзлаган мақсадимиз — эзгулик йўлида хизмат қилишдир".**

Эзгулик аркаси ўзининг кўрку салобати, маҳобатию моҳияти билан ҳар қандай кишини ҳаяжонга солади. У юксак меъморий тафаккур маҳсулидир.

Яна луғатларни, қадимий осори атиқалар ҳақидаги ноёб китобларни варақлай бошлаймиз. Бу китобларда қайд этилишича, "арк" сўзи улуғ салтанатга дахлдор қадимий атамадир. "Арка" дегани эса меъморий нуқтаи назардан, тепаси ярим айлана шаклидаги муҳташам дарвоза ёки шундай дарвоза шаклидаги ҳашаматли иншоот деган тушунчани англатади. Одатда, бу каби улуғвор иншоотлар чуқур рамзий маънода эга бўлади ва буюк тарихий воқеалар шарафига бунёд этилади. Ва мамлакатнинг шон-шавкатини ўзида намоён этади.

Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ўз вақтида соҳибқирон Амир Темур Самарқанд шаҳрида ўзи бош бўлиб Арки Олий барпо этган. Бу гўзал иншоот наинки пойтахтнинг, балки бутун мамлакатнинг кўрки бўлган.

Наполеон Бонапарт император пайтида Париж шаҳрида Зафар дарвозасини бунёд этган. Сурияда Палмира Катта колоннаси мавжуд, у жуда қадим тарихнинг нодир обидасидир.

Зеро, бу обидалар, улар ҳақидаги ҳикоялар инсониятнинг шонли ишлари ва бунёдкорлик салоҳиятини, ўша замон меъморчилиги ўзида намоён этади.

Буларнинг барчаси келажакка интилиб яшашнинг кўркам намунасидир...

Юқорида тилга олинган ҳужжатли фильмда Президент Эзгулик аркаси устига ўрнатилган лайлак ва турна ҳайкаллари ҳақида фикр юритиб:

— **Турналар — Ўзбекистоннинг рамзи, қанотини қоқиб парвозга тайёр бўлиб турган, юксакка кўтарилаётган мамлакатимиз тимсоли,** — деб уқтирган эди. — **Лайлаклар эса — тинчлик рамзидир. Улар оппоқ рангда бўлиши, бир оёкда турган ҳолатда ишланиши керак, яъни лайлаклар битта оёкда турса, ишончли бўлар эканки, атрофидаги хавф-хатар унга таҳдид сола олмас экан.**

**Айни пайтда, бу миллий рамзлар тимсоли мамлакат тинчлиги, халқимиз осойишталигини, азалий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиромни англатиб туради.**

Эзгулик аркасининг узунлиги 150 метр, икки томони 10, ўрта пештоқ қисми 12 метр баландликка эга. 16 та оқ мармар устун кўтариб турган бу муаззам меъморий иншоот кишини ҳайратга солади. Арка пештоқи устида, ўртада мўъжаз ер шари узра 3 нафар турнанинг парвозга шайланиб турган ҳолати рамзий ифода этилган. Ушбу жозибали тимсоллар олижаноб мақсаднинг санъатга, нафосатга кўчган шакли, ифодасидир.

Президентнинг яна бир амалий таклифига биноан, Эзгулик аркасидан токи Мустақиллик ва Эзгулик монументига қадар — икки ёни қизил мадантош кошиндан, ўртаси узун-оқ поёндоз йўлак барпо этилди. Ҳозир келин-куёвлар мана шу йўлакдан юриб, Бахтиёр она сиймоси акс этган монумент пойига борадилар. Оқ поёндоз гўёки уларга ҳаёт йўллари оқ-ойдин бўлишини тилаб қолишаётгандек туюлади.

Табаррук бўсағадан ўтиб, қутлуғ ва муборак поёндоз узра қадам ташлаб бораётган бахтиёр келин-куёв қалбида шундай мунаввар кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар, илоҳий туйғулар жўш уриши табиий, албатта.

Беихтиёр, комсомолча тўй қилиб, Ленининг ҳайкали пойига гул қўйиб юрган замонлар хаёлдан ўтади.

Ҳаёт шиддат билан ўзгармоқда.

Ўша ҳужжатли фильмда Юртбошимиз, бу майдон нафақат сиёсий, балки илоҳий бир масканга айланишини истардим, деган эди. Зеро, бу ҳар биримизнинг дилимиздаги эзгу интилиш ва орзу-ҳавасдир.

Президент Ислом Каримов Бахтиёр она сиймоси ҳақида фикр юритиб: **"Энди турмуш қураётган келин-куёвларимиз эзгу ният билан шу дарвозадан ўтиб, мўътабар сиймо қаршисида бир зум ўйга толса, қалбларидаги орзу-истаклари ҳақида ўйласа, ўзларига, ўзгаларга бахт тиласа. Назаримда, бу сиймо бағрига гўдагини босиб турган, юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг, фарзандининг келажагига ишонч балқиб турган ёш ўзбек аёли — бахтли аёл тимсоли бўлиши керак!"** — деб ният қилган эди.

Бу қутлуғ ният уч ой ичида рўёбга чиққанига гувоҳ бўлдик.

Биз яқин ўтмишимизда аёлни ўроқ ва болға иттифоқининг ўрогини кўтариб турган полвон келбатта тасаввур этардик. "Мосфильм" киностудияси ҳар бир фильми бошланишида уни намойиш қилар эди. Унга ўхшаймиз деб қанча аёллар соғлиғини ва малоҳатини йўқотди.

Аёл, аввало, она. У ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи муборак зот. Унинг буюк фазилати фарзандига меҳру-муҳаббатида намоён бўлади. У буюк мураббийдир. Бахтиёр она сиймосида ана шу ҳикмат мужассам. У янги замон сиймоси, янгича ғоя ва миллий қадриятларни ўзида ёрқин ифода этади.

Янги йил арафасида Президентимиз ушбу беқиёс обида пойига гулчамбар қўйди.

**— Биз гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида, Мустақиллик майдонида истиқлолимизнинг дастлабки кунларида ўрнатилган мазкур монументга Мустақиллик монументи деб ном берганмиз,** — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. — **Бугун унинг ёнига Бахтиёр она сиймосини ифодалайдиган янги ҳайкал қўйилди.**

**Шу сабабли ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага "Мустақиллик ва Эзгулик монументи" деб ном берсак, ўйлайманки, жамоатчилигимиз, халқимиз бу фикрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.**

**Чунки мустақиллик ва Эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Барчамизга маълумки, она сиймоси биз учун азалдан меҳрибонлик, фидоийлик, бир сўз билан айтганда, эзгуликнинг тимсолига айланган.**

**Мустақиллик ва эзгулик деган иборада бизнинг йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказадиган энг катта бойлигимиз, энг қимматли ютуғимиз ўз аксини топган. Шу маънода, бизнинг узоқни ўйлаб, айнан мана шу монументни Ватанимизнинг юраги бўлган Мустақиллик майдонида барпо этганимиз катта моҳият ва аҳамиятга эга, албатта.**

Дарҳақиқат, шундай. Бу мўътабар масканга қадам қўйган ҳар бир ватандошимиз муаззам обидаларда ўз орзу-ниятлари ифодасини кўради ва босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида ўйга толади.

Ҳар қайси ота-онанинг бу ҳаётдаги орзу-ҳаваси фарзандли бўлиш, унинг бахту истиқболини кўриш, албатта. Катта ҳаёт ҳам, бутун бошли жамоат ҳам аслида кичик-кичик оилалардан ташкил топади, улуғ элнинг бахту иқболи ҳам ёш оила саодатидан нур эмади.

Оила бекаси аёлдир. Аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади. Оила бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади, деган гап ғоят теран маънога эга.

Ёш келин-куёвлар янги ҳаёт бошлар экан, Юртбошимиз айтганидай, Эзгулик аркасидан ўтиб, Мустақиллик ва Эзгулик монументи, Бахтиёр она сиймоси пойига гуллар қўйиб, оилавий ҳаётга қадам қўйса, оқ лайлаклар ва турналар уларнинг бошлари узра жавлон уриб, умрларига оқлик, поклик тилаб, тинчлик ва осойишларига тимсол бўлиб турса...

Бундай қувончли, бу ҳаяжонли лаҳзалар кимнинг ёдида бир умр сақланиб қолмайди, дейсиз. Ким бундай дамларни эслаб, бир умр орзиқмайди!

Бугун давлатимиз раҳбари бошчилигида юрт ободлиги йўлида амалга оширилаётган ҳар бир эзгу иш мурғак кўнгилларни нурлантириб, келгусида уларни янада юксак парвоз этишга ундайди. Яхшиликдан яхшилик, буюкликдан буюклик туғилади...

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз вақтида кўчаларни кенгайтириб, Арки Олий барпо этгани ҳақида сўз юритар экан, буларни ўз кўзи билан кўрган испан элчиси Р.Клавихо: *"Қарийб йигирма кун ичида шундай улуғвор ишлар амалга оширилдики, чиндан ҳам бу ҳайратомуздир"*, деб ёзади.

Жадал суръатларда Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва Эзгулик монументи, Сенат биноси бунёд этилиши, Бош майдонимизнинг бугунги жамоли, Эски шаҳардаги, "Ёшлик" шаҳарчасидаги беқиёс ўзгаришлар, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан шиддатли тус олган бунёдкорлик ишлари, янги темир йўллар ва муаззам кўприклар, кенг кўламли яратувчилик ишларига ҳавас билан қараб, ўйлайсанки, агар Клавихо тирик бўлганида, бугун ҳам худди шундай ҳайратга тушган бўлар эди...

**Мансур ТЕНГЛАШЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

Qonun dastagi

***Жиззах шаҳридаги "Иттифоқ" маҳалласида яшовчи Ирина ва Олеся Кочуровалар вилоят адлия бошқармасига иш ҳақини олишда амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилишганди. Уларнинг шикоят хати ўрганилганда, "Жиззахсут" акциядорлик жамияти И.Кочуровадан 351 минг 924 сўм, О.Кочуровадан эса 185 минг 605 сўм қарздор эканлиги аниқланди. Бошқача айтганда, корхона мутасаддилари Меҳнат кодексининг 110,154,161-моддалари талабларини қўпол равишда бузишган.***

# ОҚЛАНАЁТГАН ИШОНЧ

Бундай ҳолатда акциядорлик жамияти мутасаддилари **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 49-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган ҳисобланади. Ушбу кодекснинг 255-моддасига кўра, бундай мазмундаги ишларни кўриб чиқиш меҳнат бўйича ҳуқуқий инспекторлар ваколатига киради. Вилоят адлия бошқармаси қонун талабидан келиб чиқиб, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бош бошқармаси бошлиғи С.Алмамедова номига "Жиззахсут" акциядорлик жамиятидаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритди. Мазкур бош бошқарма инспектори А.Қаршибоевнинг қарори билан акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси А.Наврўзовга жарима солинди.

Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармаси Ирина ва Олеся Кочуровалар манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига ҳам даъво аризаси киритди. Ҳар икки даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилди. Акциядорлик жамияти ҳисобидан И.Кочурова фойдасига 351 минг 924 сўм, О.Кочурова фойдасига 185 минг 605 сўм иш ҳақи ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинди. Давлат божини тўлаш ҳам жавобгар зиммасига юклатилди.

Ҳеч кимга сир эмас, бугун юртимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлаш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бироқ бунга қарамай айрим корхона ва ташкилот мутасаддиларининг бу ишга масъулиятсизлик билан қараши, ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўйиши охир-оқибат юқорида баён этилгани каби юзшувитликка олиб келади.

**Шавкат ЯХШИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Ajab savdolar

***Ҳеч эътибор берганмисиз, "аммо" сўзининг салбий маънодаги салмоғи нимагадир анча юқори, Масалан, фалончи яхши ниятлар билан иш бошлаган эди, аммо... Ёхуд фалон хусусий фирма раҳбарининг нияти катта эди, аммо...***

# ТАДБИРКОРМИ, ЁКИ...

Тошкент шаҳар, Сирғали туманида яшовчи Зулфиқор Муратовга раҳбар бўлиш жудаям ёқарди. Шу биргина иштиёқ унинг орзуларини қанот ёздириб юборди, десак, муболаға бўлмайди. "Қаҳрамонимиз" масъулияти чекланган жамият ташкил этди. Бунинг учун аввало, мазкур жамиятни тегишли ҳокимият идорасидан рўйхатдан ўтказиш лозим эди. "Тадбир"ини билган одамга шуям муаммо бўптими? Хуллас, унга ўзи ташкил қилган "KAFOLATLI SHERIK" МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказишда компьютер соҳасидаги "маҳорати" қўл келди. Шунда жамиятнинг юридик манзили масаласи бўйича, аслида мавжуд бўлмаган Чилонзор тумани, 5-мавзе, Қатортол кўчаси 44 "А" уйда жойлашган "SHAVKAT TRADE" МЧЖ томонидан "KAFOLATLI SHERIK" МЧЖга ижарага жой бериш бўйича компьютер орқали сохта кафолат хатини тузиб, ушбу "SHAVKAT TRADE" МЧЖ муҳри ва тўртбурчак штампини ҳам ясади. Шундан сўнг у сохта ҳужжатларни тақдим қилиш учун Чилонзор туман ҳокимиятининг "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш" инспекциясига югурди. Ва "KAFOLATLI SHERIK" МЧЖ ҳақиқий маънода 2005 йилнинг 21 июн санаси билан давлат рўйхатига олинди. Эндиги иш — жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамини очиш эди. З.Муратов яна бир бор ўз "маҳорати"ни намойиш этиб, компьютерда сохта "Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси" тайёрлади ва "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Тошкент шаҳар филиалида тегишли ҳисоб рақамини очди.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас! Унинг "KAFOLATLI SHERIK" МЧЖ ва "SHOXSANAM" ХК ўртасида тузилган ижара шартномасини, Шайхонтоҳур тумани, Беҳзод кўчаси, 76-уйда жойлашган савдо шахобчаси ўрнатилган "Меркурий-115Ф" русумли МЧЖга тегишли назорат машинаси гўёки мазкур туман ДСИ томонидан рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотномани, "НКМ"ни рўйхатга олиш варағини ҳамда "KAFOLATLI SHERIK" МЧЖ, Республика Инкассация бирлашмаси ва ЎзСКБ ўртасида тузилган пул тушумларини йиғишга доир инкасса шартномаларини бемалол қалбакилаштирганига нима дейсиз? Шу билан бирга у "Инкассация шартномаси" каби қатор маълумотномаларни ҳамда улгуржи, чакана ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш учун қалбаки рухсат гувоҳномаларини шартнома тузилаётган ташкилотларга тақдим қилиб, "KAFOLATLI SHERIK" МЧЖнинг ушбу фаолиятлар билан шуғулланиши учун барча имкониятларни муҳайё қилади.

"KAFOLATLI SHERIK" МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли-бухгалтерия текширувига кўра, жамият ўзининг бор-йўғи икки ойга яқин фаолияти давомида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимидаги мавжуд ҳисоб рақами орқали жами 1 миллиард 418 миллион 523 минг 470 сўмлик чиқим операцияларини амалга оширган, шундан 842 миллиондан ортиғига маҳсулотлар сотиб олинган. Ўз навбатида бу маҳсулотлар бозорларда нақд пулга сотилиб, савдо тушумининг атиги 30 миллион 500 минг сўмигина жамият раҳбарининг "ҳотамтойлиги" сифатида банкка топширилган. Бундан ташқари, жаноб раҳбар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг **"Бюджет билан ҳисоб-китоб бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида"**ги қарорига зид равишда, олинган товар-моддий бойликлари эвазига шунча суммадаги бошқа хил товарлар бериш йўли билан ҳисоб-китоб қилиниб, 21.062.338 сўмлик айирбошлаш-бартер операциялари амалга оширилган.

Мазкур жиноят иши юзасидан олиб борилган текширувлардан маълум бўлишича, З.Муратов раҳбарлигидаги жамият қисқа фаолияти давомида 15 дан ортиқ турли корхона, ташкилотлар билан шартномавий муносабат ўрнатишга улгурган. Жумладан, "ZARAFSHON" МЧЖ билан озиқ-овқат маҳсулотларига, "O'ZBEKISTON" АЖ билан тухум етказиб бериш, "OQ NIYAT SAVDO" ХК билан буғдой уни, "ROISON ELEKTRONICS" ҚК билан рангли телевизор, "Келажак сари" МЧЖ билан жўхори дони, "Шараф Рашидов" ОХЖ билан паррандачилик, қурилиш, ем ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари, "TRADE SERVIS" ХК билан металл қиркувчи, абразив асбоб-ускуна ва қуймалар, "ЎзСКБ" ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси билан компьютер техникаси, "Сантехпардоз қурилиш" МЧЖ билан қурилиш-таъмирлаш хизматлари бўйича шартномалар тузилган.

"KAFOLATLI SHERIK" МЧЖ молиявий-хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўғри ҳисобланиши юзасидан ўтказилган ҳужжатли текширувлар натижасида унга жами 14 миллион 287,3 минг сўм қўшимча ҳисобланди.

Қисқаси, З.Муратовнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида қилган "тадбири" самараси — жамият ҳисоб рақамидаги 5060344 сўм маблағга Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан банд солиниб, етказилган зарарни ундириш юзасидан депозит ҳисоб рақамига ўтказилди.

Албатта, З.Муратовнинг юқоридаги хатти-ҳаракатлари одил судлов томонидан тегишли тартибда малакаланиб, у муайян ҳуқуқдан маҳрум этилди.

Атайлаб, ноқонуний фаолиятни йўлга қўйиш қонунни назар-писанд қилмаслик демакдир. Қонун эса, бундай кимсаларни ўз назаридан четда қолдирмаслигини эсдан чиқармаслик лозим.

**Комил ТЕШАЕВ,**
**Рўзимурод ХЎЖАМУРОДОВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК Департаменти ходимлари**
**Гулбаҳор САТТОРОВА,**
**журналист**

Turmush chorrahalarida

**Ой-куни яқинлашгани сари бир чиройга ўн чирой қўшилиб бораётган Маъмура фарзанд дунёга келгач, оиласи бир изга тушиши, қайнонасининг юзинг-кўзинг демай: — Бой-бадавлат оиланинг фарзанди эмаслигингизни билганимда, бу уйнинг остонасидан ҳам ҳатлатмасдим, аттанг танг қолдим, деган кесатиқлари ҳам барҳам топиб кетишига қаттиқ ишонарди.**

# МЕҲР МЕЗОНИ

Аммо дунёга келган янги меҳмон ҳам қайнонанинг кўнглидаги бир парча музни эритолмади. Бунинг устига Маъмура қизи дунёга келган паллада кўп қон йўқотгани учун илгаригидек елиб-югуриб ҳам рўзғор, ҳам молҳолга қарашга куч-қуввати етмасди. Гарчи шифокорлар, бу аҳвол узоқ давом этмаслигини, даволангач, тезда соғайиб кетишини таъкидлашган бўлса-да, қайнонаси тескари кийган тўнини сирасира ечишни истамасди. Бунинг, албатта, ўзига хос сабаблари бор эди. Унинг режаси бўйича данғиллама ҳовли-жой, етти пуштига етадиган мол-дунё минг қилганда ҳам ғирт бегонага эмас, балки ўгай синглисининг қизига тегиши керак эди. Аммо Зокиржоннинг, ўлсам ҳам шу қизга уйланаман, деб икки оёғини бир этикка тиқиб олганлиги бу режани чиппакка чиқарган эди. Аммо қайнона ўғли уйланиб, фарзанд кўрганига қарамай ҳали-ҳамон ўша режани амалга ошириш ниятида зиндан пайт пойлаб юрарди. Маъмура қизчаси билан туғруқхонадан келгач, унинг дийдиёси баттар авжига чиқди. Бир кун эса у кутилмаганда Маъмуранинг онасини уйга чақириб қолди.

— Ўғлимни бошини айлантириб, касалванд қизингизни тиқиштирган экансиз. Қизингизни боши касалдан чиқай демайди. Умрим касал боқиш билан ўтаяпти. Яхшиси, уни уйингизга олиб бориб даволатинг. Йўқса, мен бунга тоқат қилиб ўтирмайман. Худога шукр, ҳозир нима кўп, қиз кўп. Дарахтни бир тепсанг, дув этиб қиз тўкилади. Уқдингизми? — деди у ғазаби қайнаб-тошиб.

Маъмуранинг онаси қудасининг бу гапларини кўнглига оғир олди. Бироқ эртага қизи тағин шу хонадонда яшашини ўйлаб, дардини ичига ютди.

— Майли, сиз ташвиш қилманг, қизимни уйимга олиб кетиб, даволатаман, — деди у.

Ота-онанинг меҳри, қоларверса, шифокорларнинг муолажалари туфайли орадан бир ой ўтиб-ўтмай Маъмура соғайиб, илгаригидек чиройи очилиб кетди. Бу орада Зокир қизини кўриш баҳонасида бир-икки марта келиб кетди. Аммо Маъмура эрини аллақандай ўзгариб қолгани, нигоҳида бегоналик пайдо бўлганини пайқади. Шунда хаёлига минг битта ўй келди, юраги зиқ бўлди. Лекин бу шунчаки ваҳима дея ўзини-ўзи юпатди.

Кунларнинг бирида эса қайнотаси Одил ака кутилмаганда қудасининг уйига кириб келди. — Жон қизим, — деди у келинига меҳрибонлик билан, — қайнонангиз айниқса, набираси Осудани жуда соғинган. Зокиржоннинг иши кўпайиб, сира вақти бўлмаяпти. Тез отланинг, сизларни олиб кетаман, бориб уйингизга ўзингиз эгалик қилинг.

Аслида Одил аканинг бундай шошилиб келишининг бошқа бир сабаби бор эди. Аниқроқ айтганда, уйда хотини ўғлини қайта уйлантириш тараддудига тушиб қолганди...

Одил ака келинини қайтариб олиб келгач, хотини дамини ичига ютишга мажбур бўлди. Бироқ бу узоққа чўзилмади.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

# XXI АСР НАФАСИ

## ВЕРТОЛЁТ УРИБ ТУШИРИЛДИ

Жаҳон оммавий ахборот воситалари "Ироқда АҚШнинг ҳарбий вертолёти

уриб туширилди", деб хабар тарқатди. Сўнгги маълумотларга қараганда, икки нафар экипажнинг тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

Жангарилар Бағдоддан бир неча километр шимолда АҚШнинг ҳарбий вертолётини ракета ёрдамида уриб туширишган. Бу йил бошидан бери АҚШ армиясининг Ироқда йўқотган учинчи вертолётидир.

Ҳаво машинаси қулаб тушган жойни АҚШ ҳарбийлари ўраб олган. АҚШ ҳарбий қўмондонлиги яна бир вертолётнинг йўқотилганини расман тан олди. Бундан олдин шундай ҳодиса 13 январ куни Мосул шаҳри яқинида содир бўлган эди.

## ЧИЛИДА АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ

Ушбу мамлакат тарихида биринчи марта аёл киши президентлик курсисини эгаллади. Маълумотларга қараганда, сўл марказий коалиция раҳбари Мишель Бачелет сайловда 53,5 фоиз овоз олиб, ғолибликни қўлга киритган. Унинг рақиби, тадбиркор Себастьян Пинейруга сайловчиларнинг 47 фоизи овоз берган.

Президентлик сайловларида ғалаба қозонган 54 ёшли Мишель Бачелет генерал Пиночет даврида қаттиқ таъқиб остига олинган эди. У 90-йилларда бир қатор вазирликларни бошқарган, шунингдек, у қисқа вақт мудофаа вазири лавозимида ҳам фаолият юритган.

## ЯНА АРИЭЛЬ ШАРОН ҲАҚИДА

Исроил Бош вазири ўғилларининг гапига кўра, унинг қарашлари маъноли ва ўз ўғилларини таниган.

Бироқ шифокорлар ҳали бу борада бирор-бир хулоса чиқаришга эрта, дейишмоқда.

Шунингдек, кеча шифокорлар Ариэль Шарон даволанаётган "Адаса" госпиталига парранда гриппига чалинган яна бир фаластинлик бемор келтирилгани ҳақида ҳам маълумот тарқатишган. Бундай ташхис бемор тиббий кўрикдан ўтгач, тасдиқланган. Бу — Яқин Шарқда H5N1 вируси билан касалланган биринчи бемордир.



## ПОКИСТОНДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, кеча минглаб Покистон фуқаролари АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг тинч аҳолини бомбардимон қилишидан норози бўлиб, намойишга чиқишган.

Бундай норозиликка АҚШнинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудда ўтказган сўнгги авиация ҳужуми сабаб бўлган.

Намойишчиларнинг таъкидлашича, АҚШ ҳарбийларининг ҳаво ҳужуми натижасида 7 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган. Шунинг учун ҳам намойишчилар АҚШни "очиқ терроризм"да айблашмоқда.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ ҳарбийлари томонидан уюштирилган ҳаво ҳужуми Покистоннинг Афғонистонга чегарадош Дамадол аҳоли яшаш ҳудудида содир этилган. Айни пайтда Покистон ҳукумати "Ал-Қоида" террористик гуруҳи раҳнамоларидан бири Айман аз-Завахирининг ушбу ҳужумда ҳалок бўлгани хусусидаги тахминларни текшириб кўришмоқда.

Америка ОАВлари эса ҳарбий манбаларга таянган ҳолда, АҚШ МРБсининг буйруғи билан тинч аҳоли эмас, балки Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош шимолий-ғарбий ҳудудларида яширинган "Ал-Қоида" жангариларига қарши ҳужум уюштирилганини таъкидлашмоқда.

## ДИПЛОМАТ ҚУРБОН БЎЛДИ

Канадалик олий мартабали дипломат Қандаҳор шаҳрида жангарилар томонидан содир этилган теракт оқибатида ҳалок бўлди, деб хабар тарқатади ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.

Канада Мудофаа вазирлиги вакилининг журналистларга берган маълумотига таяниб айтадиган бўлсак, теракт натижасида ҳалок бўлган Глен Бери 59 ёшда. У Канада Ташқи Ишлар вазирлигининг Афғонистондаги вакили ҳисобланиб, Қандаҳор яқинида олиб борилаётган қурилиш ишларига раҳбарлик қилган.

Манбаларда таъкидланишича, теракт натижасида яна уч нафар канадалик ҳарбий жароҳат олган. Улардан икки нафари оғир аҳволда.

Шунингдек, портлаш натижасида икки нафар Афғонистон фуқароси вафот этган ва ўндан ортиқ тинч аҳоли вакили жароҳат олган.

Шу муносабат билан чиқиш қилган Канада Бош вазири Пол Мартин "хавф-хатар қанчалик кўп бўлмасин, Канада ҳукумати Афғонистонни тиклаш ишларида қатнашаверишини" таъкидлаб ўтган.

Эслатиб ўтамиз: ҳозирда Канаданинг Афғонистондаги ҳарбий контингенти 650 нафар кишини ташкил этади. Улар асосан Қандаҳорда жойлашган. Кейинги ойдан эса канадалик ҳарбий хизматчилар сонини икки мингга етказиш режалаштирилмоқда.

## ТУРКИЯДА ПАРРАНДА ГРИППИ

Маълумотларга қараганда, Туркияда парранда гриппини назорат қилишни мувофиқлаштирувчи марказ ташкил этилган.

Туркия ОАВнинг маълум қилишича, мазкур мувофиқлаштирувчи марказ Соғликни сақлаш ва Қишлоқ хўжалик вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, у жойларда ушбу касаллик ривожланишининг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини назорат қилиш билан шуғулланади.

Энди жамоатчиликни эпидемия хавфи қайси ҳудудларда ва қай даражада тарқалиши эҳтимоли борлигидан мувофиқлаштирувчи марказ хабардор қилиб туради.

Кеча мамлакатнинг Ван вилоятида 12 ёшли қизча парранда гриппи туфайли



ҳаётдан кўз юмгани қайд этилган. Бироқ Соғликни сақлаш вазирлиги ушбу хабарни инкор этиб, вафот этган қизда H5N1 вируси аниқланмаганини таъкидламоқда.

Turmush chorrahalarida

# МЕҲР МЕЗОНИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Гап шундаки, оиланинг қувончи бўлмиш қизалоқ 7 ойга тўлганда унинг чап оёғи ўнг оёғига нисбатан калта эканлиги маълум бўлди. Бу ҳол қайнонанинг эски дардини қайта қўзғаб юборди.

— Бизнинг авлодимизда ногирон ҳам, касалманд ҳам бўлмаган, — дея она ўғли Зокиржоннинг қулоғига шипшиди. — Биринчи боланг чўлоқ экан. Кун келиб бир кун унинг бўйи етгач, айби бор қизни ким ҳам келин қиларди. Иккинчи боланг балки кар-соқов туғилар?! Унда бошингни қайси деворга урасан?!.

Ўша кундан бошлаб, яна оиладан ҳаловат кўтарилди.

Маъмура ҳам қизининг дардини ўйлаб анча вақт юраги қоронғи тортиб юрди. Бироқ кейинчалик қизини тиббий текширувдан ўтказгач, кўнгли бироз ёришди. Чунки шифокорларнинг айтишига қараганда, қизчанинг касаллиги сира хавфли эмас, даволаса, ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетиши аниқ.

Аммо шифокорларнинг бу гапи ҳам қайнонани мақсадидан қайтара олмади. Бундан ҳам ёмони, Зокиржон онасининг тўқиб-бичиб айтган гаплари таъсирида буткул ўзгариб кетган эди: Маъмура эрининг ахволруҳиятига қараб туриб, эртами, кечми ҳаётида қандайдир ўта нохуш воқеа рўй беражагини кўнгли сезарди.

Ўшанда ҳам Зокиржон хизмат сафарига кетган эди. Қайнонаси ўзи билганича иш тутди. Маъмурани қизи билан таксига ўтқазиб, ота-онасиникига жўнатиб юборди. Орадан кўп ўтмай юк ортилган автомашина ҳам етиб келди...

Шундан сўнг гўё қайнонанинг орзуси ушалди. Зокиржонни яна қайта уйлантирди. Бу сафарги тўй олдингисидан ҳам дабдабалироқ бўлди. Энг қизиғи, келин тўйгача ҳам, ундан кейин ҳам расмий никоҳдан ўтиш ҳақида гап очмади.

Тўй ўтгач, орадан кўп ўтмай янги келин Дамира ҳамширалик касбини ташлаб, қайнотасининг фирмасига қарашли ароқ-вино дўконида сотувчилик қила бошлади.

Аммо тез орада қайнота-қайнона ҳам, Зокиржон ҳам иккинчи никоҳ тўғрисида қаттиқ янглишганликларини тушунишди. Бироқ энди кеч бўлганди, чунки Дамира ҳам фарзанд кутаётган эди.

Кўп ўтмай оилада яна фарзанд — қизча дунёга келди. Унга яхши ният билан Шоҳида деб исм беришди. Аммо Дамиранинг болага меҳри йўқ эди. Шу боис у қизи туғилгач, уни қайнонасининг қўлига топширди.

— Холажон, ўғлимга тегсанг ҳам тегасан, тегмасанг ҳам тегасан деб туриб олгандингиз, — деди Дамира, — гапингизни икки қилмадим. Энди сиз ҳам менинг айтганимни қиласиз, болани ўзингиз боқасиз...

Бу ҳали ҳолва экан. Нега деганда, Дамира бир-биридан ошиб тушадиган қилиқлар чиқара бошлади. Унинг оила билан мутлақо иши йўқ, уйга эрта кетиб, кеч келарди.

Орадан бир йил ўтиб-ўтмай у бойвачча мижозларидан бири билан дўкондаги пулларни ўмариб, аллақаёққа қочиб кетди. Хотини дўкондан ўмариб кетган катта миқдордаги пулни Зокиржон тўлади.

Ҳаёт экан, Зокиржоннинг аввал отаси, сўнг онаси дунёдан ўтишди.

Кейинчалик Зокиржон учинчи марта уйланди, бироқ бу гал ҳам турмуши татимади.

Аслини айтганда, турмушдаги бу нотинчлик, узуллуксиз асаббузилишлар натижасида у охир-оқибат касалванд бўлиб қолди. Бундан ҳам ёмони шунда эдики, унинг боши ёстиққа текканда ёнида далда бўладиган на фарзанди, на хотини бор эди. Зокиржон шуларни ўйлаб, баттар ўксиб, ич-ичидан эзилар, ҳаётда йўл қўйган хатоларини алам билан эсларди.

Аммо бунга қарамай тақдир ундан буткул юз ўгирмаган эди...

Аввалига эсини танигач, онасининг далдаси билан Осуда дадасининг аҳволидан вақт-бевақт хабар олиб турди. Бироқ бир сафар у келиб-кетгач, Шаҳноза ўгай опасини ўғрига чиқарди, тилла тақинчоқларни олиб кетгансан, дея туҳмат қилди. Бўҳтондан нафсонияти қаттиқ оғриган Осуда бу уйдан қадамини узди.

Йиллар ўтиб, Осуда хушрўй қиз бўлиб вояга етди, уйидан совчиларнинг қадами узилмай қолди. Маъмура аёл боши билан қизини узатди. Осуда эри билан аҳил-тотув яшаб кетди, фарзанд кўрди...

Орадан йиллар ўтиб, ҳарбий хизматда олган жароҳати Зокиржон отани яна безовта қила бошлади. У охир-оқибат жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлди. Умуртқасида ўтказилган операциядан сўнг у бир умрга тўшакка михланиб қолди. Дард устига чипқон деганларидек, ана шундай кезларда унинг иссиқ-совуғидан хабар оладиган биронбир кимса йўқ эди.

Осуда отасининг аҳволи ниҳоятда оғир эканини эшитиб, хабар олгани келганида, чол бир бурдагина бўлиб қолган, кўзлари хиралашиб, ҳаётдан умидини узиб қўйганди.

Шифокорларнинг саъй-ҳаракати ва Осуданинг меҳр тафтидан уч кун деганда ота кўзини очди. Унинг айтишига қараганда, Шаҳноза эри билан қариялар уйига жойлаштиришга хўп уринишибди, бироқ отахон ўлсам ўз уйимда ўламан деб оёқ тираб олгач, улар уйдаги буюм ва уйнинг ҳужжатларини олиб, аллақаёққа ғойиб бўлишибди.

Осуда буларга эътибор бермай отасига меҳр билан қарай бошлади, уни оқ ювиб, оқ таради. Кўпдан буён супуриб-сидирилмаган хонадонга ҳам файз кириб қолди. Айниқса, Зокиржон ота ўзида йўқ хурсанд эди, у дам-бадам кўзида ёш билан Осудани дуо қиларди.

Ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, ота умрининг сўнгги дамларида фарзанд меҳридан қониб, дунёдан армонсиз ўтди.

Зокиржон ота бандаликни бажо келтиргач, Шаҳноза аллақаёқдан пайдо бўлди ва опасини очиқ-ошкор уйдан ҳайдаб чиқарди. Осуда синглисининг ҳақоратларидан эмас, балки бу ёруғ оламдаги энг яқин кишиси — отасидан айрилганидан кўз ёшларини тиёлмай уйига кетди.

Отасининг тупроғи совумасдан ҳовлини ими-жимида пуллаб юбориш илинжида бўлган Шаҳноза ҳужжатларни расмийлаштириш учун нотариусга учрашгач, ҳуши бошидан учиб кетди. Зокиржон ота ўлими олдидан ҳовлини Осуданинг номига ўтказиб қўйган экан. Шунингдек, отага тегишли каттагина иссиқхона ва чойхонани ҳам Осуданинг ўғли Саидга хатлаб бериш ҳақида васиятнома қолдирибди.

Шаҳноза зудлик билан Осудани бировнинг мулкини ўзлаштириб олиш ва васиятномани қалбакилаштиришда айблаб судга мурожаат қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди масалани атрофлича кўриб чиқиб, даъво асоссиз бўлганлиги учун қаноатлантирмаслик тўғрисида қарор чиқарди.

Ушбу воқеалар билан танишар эканман, хаёлимдан ота-боболаримизнинг нима эксанг шуни ўрасан, деган ҳикматли сўзлар ўтди. Дарҳақиқат, бу дунёда атрофдагиларга меҳр бериб яшаган одам меҳр, қаҳр бериб яшаган одам эса қаҳрга сазовар бўлар экан.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Mitti maslahat

**"Ишончнома" деган иборани ҳар биримиз эшитганмиз. Бироқ ишончнома ким томонидан берилади, қандай ваколатларни кафолатлайди, кимлар уни олиш ҳуқуқига эга, деган саволларга аниқ жавоб беришимиз мушкул. Ҳолбуки, ҳаётда ҳар бир кишида ишончномага эҳтиёж туғилиши мумкин.**

# ИШОНЧНОМА НИМА?

Ана шу ҳолни инобатга олиб, қуйида ишончнома, унинг ҳуқуқий асослари тўғрисида фикр юритишни лозим топдик.

Шуни айтиш керакки, нотариуслар бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ишончномаларни тасдиқлаши мумкин.

Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи ва куни, ишонч билдирувчи ва вакил қилинаётган шахсларнинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исми (юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган манзили), турадиган жойлари, зарур бўлган ҳолларда эса эгаллаб турган лавозимлари кўрсатилиши керак. Адвокатлар номига берилган ишончномада эса адвокатнинг иш жойи қайд этилади.

Ишончномада унинг амал қилиш муддати сўз билан ёзилиб, бу муддат Фуқаролик кодексининг 139- моддасида кўрсатилганидан ташқари, барча ҳолларда уч йилдан ошмаслиги керак.

Амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома эса тузилган кундан бошлаб, бир йил давомида ҳақиқий ҳисобланади.

Ўз навбатида тузилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ишончнома берилган шахс, унга ишончнома билан бирга ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилган ҳолда у бу ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 136,137,138-моддаларида назарда тутилганидан ташқари барча ҳолатларда ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома тақдим этилган ҳолда нотариал тасдиқланиши керак.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиқ бўлиши мумкин.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончномада асосий ишончнома гувоҳлантирилган вақт ва жой асосий ишончнома берилган шахснинг ва бу шахс ўз ваколатини ишониб топшираётган кишининг исми, отасининг исми, фамилияси ва истиқомат қиладиган жойи, зарур ҳолларда эса уларнинг мансаб-мавқеи кўрсатилиши керак.

Асосий ишончномада ўзга кишига ишониб топширилганлиги тўғрисида ёзиб қўйилади.

Асосий ишончноманинг нусхаси нотариал идорада қолдириладиган ишончнома нусхасига тикиб қўйилади. Шундан сўнг ишончноманинг бошқа шахсга ўтказилишини тасдиқлаш чоғида асосий ишончноманинг нусхасига бу ҳакда ёзиб қўйилади. Бундай вазиятда асосий ишончноманинг нусхаси нотариал идорада қолдирилиши шарт эмас.

Фуқароларнинг текинга имтиёзли равишда берилган енгил автомобиллардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ваколатномалар Республика ижтимоий таъминот вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ижтимоий таъминот бошқармаларининг рухсати билангина гувоҳлантирилади.

**А.ДЎСТОВА,**
**Каттақўрғон шаҳри**



*Қиш манзаралари*

Jinoyat va jazo

**Афтидан, халқимизнинг яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи деган доно нақлининг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш илгари ҳам бир марта жиноят кўчасига кириб, суднинг қора курсисида ўтирган, фақат Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармони шарофати билан жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилган китоблик Соҳибжонга насиб этмаган кўринади. Йўқса, у ўзига кўрсатилган бу бағрикенглик ва мурувватдан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб оларди. Афсуски, бундай бўлмади...**

# ЖОҲИЛЛИК ТИҒИ

СУД ОЧЕРКИ

Ўша фожеа рўй берган кун унинг кайфияти яхши эди. Эрталаб уйқудан хотиржам уйғонган, сўнг хотини билан бирга қишлоқда яшайдиган қайнонасини кўргани бориб келишган эди. Ўйлаб қараса, йўл-йўлакай хотини ҳам кўнглини хижил қиладиган бирор гап айтмаганди. Умуман айтганда, шу бугун тушдан кейин бировнинг қотилига айланасан, деган гап унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Хўш, унда Соҳибжонни нима жин урди?

Тўғри, илгари ҳам унинг қулоғига синглиси билан машина тузатадиган уста йигит Тўлқин ҳақидаги нохуш гап-сўзлар салпал чалинган, бироқ у ёшликда бўлади-да, дея эътибор бермаган эди. Аммо бу сафар у тоқат қила олмади. Хотини билан қайнонасиникидан қайтиб келса, онаси Мавлуда опа синглисини бурчакка олиб, "тергов" қилаяпти. Ана шу дақиқада у ҳа, энди қиз болани тергаб туриш керак, деб эътибор бермай ўз йўлига кетса, олам гулистон эди. Бироқ онасининг сўзлари унинг миясига чақмоқдек урилди.

— Тўлқин кечалари нима учун бизникига келаяпти, сенда нима иши бор? Қани, айт?! — она қизини шу тахлит қийин-қистовга олаётган эди. Аммо Соҳибжон бу саволни нақ ўзига берилганидек тасаввур қилди. Ич-ичидан бир нарса чирт этиб узилиб кетгандек бўлди. Жаҳл келса, ақл кетади деган гап бор. Зўрлар ичида зўр кимсагина жаҳлнинг қанча куч билан ёпирилганига қарамай, уни ақлу фаросат кучи билан янчиб ташлашга қодир. Минг афсуски, Соҳибжон ақл-фаросатини, кўнглидаги яхши маънодаги ориятни жиловини шайтонга тутқазиб қўйди. Шундан сўнг воқеалар шитоб билан ривожланиб кетди. Соҳибжон ҳеч кимга сездирмай ошхонага кирди-да, ошпичоқни қўйнига солиб, Тўлқинни қўрқитиб қўйиш учун у ишлайдиган устахона томон йўл олди.

Энг ёмони, унинг бу мудҳиш ниятидан на онаси, на синглиси ва на Тўлқин, умуман айтганда, бирон-бир тирик жон хабардор эмасди. Бунинг устига унинг фикру хаёлини битта савол батамом банд этиб олганди: нега Тўлқин синглимни тинч қўймайди? Бунга унинг қандай ҳадди сиғди?!.

Аслида у ортиқча эҳтирос ва жазавага берилмай, синглиси ёки Тўлқин билан гаплашиб, ўзини қийнаётган саволларга жўяли жавоб олса бўларди. Бундан ташқари, фақат икки ёшга тааллуқли нозик масалага жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши зарурлиги на онанинг, на ўғилнинг хаёлига келмаганини ҳам ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Қисқаси, Соҳибжон асоссиз жазавага тушган куйи Тўлқин ишлайдиган устахона олдида пайдо бўлди. Сўнг қандайдир бир йигитдан ичкаридан Тўлқинни чақириб қўйишни сўради. Бу йигит ҳам Соҳибжоннинг разил ниятини пайқамай, ичкаридан Тўлқинни чақириб чиқди. Соҳибжон Тўлқинга бир қур бош-оёқ тикилиб қараб, сўнг уни четроққа бошлади.

— Нима учун кечалари бизнинг уйимизга бориб синглимни безовта қиляпсан? — деб сўради у ўдағайлаган овозда.

— Синглингизга бир нарса беришим керак эди. Шунга борган эдим.

— Ўша нарсангни кундузи бер-роқ унинг жароҳати жуда оғир эди, шу боис у ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Албатта, шундан сўнг тез орада Соҳибжон қўлга олинди. У ўзининг айбларига тўла иқрор бўлди. Шунингдек, суд жараёнида қилмишига минг бор пушаймон бўлиб, кечиришларини, имкон бўлса, енгил жазо тайинлашни илтижо қилди.

Бироқ бу пушаймон-у ўтинчдан энди кимга фойда бор?

Ахир, унинг жоҳиллиги туфайли эр етган бир йигитнинг умри бевақт хазон бўлди, ота-онанинг кўксида аламли доғ қолди.

Хўш, буларнинг бари нимани англатади?

Ҳа, шундай, ҳаётда ўйламай ташланган қадам, эҳтирос-у жоҳилликни жиловлай олмаслик, ўзганинг ҳаёти, инсоний туйғуларни қадрламаслик ҳамиша шундай аянчли оқибатларга олиб келади.

Шунингдек, бундай фожеа қайта такрорланмаслиги учун ҳар биримиз ҳаётга очиқ кўз билан қарашимиз, воқеа-ҳодисаларга чуқур мулоҳаза билан муносабат билдиришимиз керак. Бошқача айтганда, бу ҳаётда нотўғри ташланган ҳар бир қадам нафақат кишининг ўзига, ўзгалар ҳаётига ҳам нохуш таъсир кўрсатишини унутмаслик керак.

**Жамила БЕРДИЕВА,**
**ҳуқуқшунос**
**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Sirli dunyo

# АБАДИЙ ҲАЁТ... БОРМИ?

**Ҳаётда одам боласи турли-туман орзу-ниятлар билан яшайди. Албатта, бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Шунинг учун ҳам тарихга назар ташласак, абадий яшашни орзу қилиб, бу йўлда жиддий саъй-ҳаракат қилган кишилар ҳам учрашига гувоҳ бўламиз.**

**Ўтмишда узоқ умр кўриш сирларини аниқлашга интилган кишилар тўғрисида афсоналар талайгина. Қуйида Александр Горбовский, Юлиан Семёнов қаламига мансуб китобдан кичик бир парчани газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.**

Ҳаётда ҳақиқат билан хаёл аралашиб кетган афсоналар пайдо бўлиши зарурий бир ҳолдир. Инсон идроки, хаёлий тасаввурида қанотлар кўмагида кўкка кўтарилиб, парвоз қилган Дедал ва Икарлар ҳақидаги афсоналар қанчалар ҳақиқатга яқин бўлса, булар ҳам шундай. Агар кимдир мақсадига етибди, мангуликка эришибди, деган овозалар бўлмаса эди, абадият сирини излаш ҳам омма орасида кенг тарқалмасди. Жумладан, афсонавий олтинлар мамлакати — Элдорадо ҳақидаги ҳикоялар кўплаб таваккалчиларнинг ўша мамлакатни излашга ундаган. Албатта, кимлардир абадий барҳаётликка ишонадилар, тўғрироғи, шуни хоҳлайдилар. Шундай ишонч кишида умид туғдиради, омадини синаб кўришга туртки бўлади.

Машҳур қомусий олим Беруний, бундан 1000 йил аввал қадим замонларда Илёс (Элиас) деган киши абадийлик йўлини топганлиги ва Беруний замонида ҳам унинг тирик эканлигини ёзган эди. Беруний уни "Мангу яшовчи", деб атайди.

Мавзуга боғлиқ бошқа кишилар тилга олинганда, биринчи галда Пифагор мактабида таҳсил кўрган файласуф Апполоний Тианский ёдга келади. У ёшлик чоғидаёқ "ҳаром, ақлни хиралаштиради", деб гўшт истеъмол қилмайди, жун кўйлак киймайди, оёқяланг юради. Беш йил давомида лом-мим деб оғиз очмайди.

Ўша замонларда ўзининг дарвешлари, олимлари, сирли, илоҳий илмлари билан машҳур бўлган Ҳиндистонга Апполоний Тианский ҳам йўл олади. Йўлда унга қандайдир Дамид деган кимса ҳамроҳ бўлади:

— Йўлдош бўлайлик, Апполоний. Сенга зиён эмас, фойдам тегишига ўзинг амин бўласан. Йўллар борасида унчалик билимдон бўлмасам-да, Бобил йўлини ва ундаги шаҳарларни яхши биламан. Қанча ёввойи одамлар бўлса, барчасининг тилини тушунаман. Баъзилари арман, бошқалари мидян ва форс, яна бирлари кадуян тилларида гаплашади, мен уларнинг ҳам тилини биламан.

— Мен ҳам, азизим, бу тилларнинг барчасини биламан, гарчи бironтасини ўрганмаган бўлсам ҳам.

Дамид ажабланди.

— Бани башар шевалари менга тушунарли эканлигидан ҳайратга тушма, зеро, инсон сукутини ҳам англай оламан.

Ҳиндистон сафаридан қайтган Апполоний ўз юртида юртдошлари эсидан чиқмайдиган кўп ажойиботлар намойиш қилди. Нерон замонида у Римда бўлди, Мисрга борди, Сицилия ва Гибралтарни хўб кезди.

У ўн нафар император ҳукмдорлигида яшади, ўн биринчиси даврида — роппа-роса етмиш ёшида Римга қайтди. Римда император Домициан буйруғига мувофиқ қўлга олиниб, қамалди. Белгиланган кун, тайинланган соатда, муҳташам саройга шаҳарнинг казо-казолари йиғилишади. Кучайтирилган қўриқчилар қуршовида Апполонийни олиб келдилар. Суд жараёни авжига чиққан паллада — сохта гувоҳлар уни императорга ҳурматсизлик қилган, куфр китоблар ёзган ва сеҳргарликда оғиз кўпиртириб тўҳмат ёғдираётган маҳалда, у ҳамманинг кўз ўнгида... лиқ тўла зал назаридан ғойиб бўлди.

Ўша куни, тахминан бир неча соатлардан кейин Апполонийни яхши танийдиганлар уни Римдан уч кунлик узоқликда кўрганлари ҳақида гап тарқалди.

Римдаги маҳкама залидан сирли тарзда ғойиб бўлганидан кўп ўтмай у Юнонистонда пайдо бўлади ва ибодатхоналарда яшаб юради. Бизга файласуфнинг на вафот этган жойи, на вақти маълум. Бу ҳақда унинг замондошлари ҳам яхши билмас эди. Тарихий воқеаномаларда у "бедарак кетган"лар сирасида тилга олинади. Шунинг учун ҳам унинг ноёб хислатлари ва кўрсатган амаллари ҳақида эсланар экан, булар ёнига яна бир хислати — мангу барҳаётлигини қўшиб қўядилар.

Кўп йиллар Апполонийни ўлим ҳукмидан қочиб қаерларгадир яширинib юрибди, деб ҳисоблаганлар. Минг йилликлар ҳам ўтди, ва... бирдан ўша миш-мишлар тасдиқлангандек бўлди.

XII асрда ўзини Артефиус деб атаган файласуф, алхимик яшаган. Унинг кўпчилик замондошлари бу ном остида Апполоний Тианский яширинib юрибди, деб тахмин қилганлар. Артефиус номи билан бизгача иккита асар етиб келган: фалсафа тоши ҳамда умрни узайтириш усуллари ҳақида. Буюк Апполонийдан бошқа яна ким бу ҳақида ёзиши мумкин? Бундай фикр фақат унинг замондошларига хос десангиз, янглишасиз. Китоб нашр этиш йўлга қўйилган йиллар Артефиуснинг умр ҳақидаги асари босмадан чиқади. Унинг сўзбошисида: "Муаллифнинг ушбу китобни ёзишга асоси бор эди. Зеро, ушбу китобни ёзган пайтда унинг ёши 1025да эди", дея қайд этилади.

Апполоний Тианский бу борада ягона инсон эмас. Тарих унга ишонишга тайёр, унинг ишларига жуда қизиққан, мўъжизаларга ишонган жуда кўп машҳур шахсларни билади.

...1750 йили Парижда, фақат граф Сен-Жермен ҳақида гап кетган десак, лоф бўлмайди. У жуда ғалати бир шахс эди. Шаҳарда граф абадий яшаш сирларини билади, деган миш-мишлар ҳам тарқалган эди.

Сен-Жермен бирданига саҳнада пайдо бўлади; унинг ўтмиши ҳақида ҳеч нарса маълум эмас эди. Гўё бир девор ёрилгану унинг ичидан Сен-Жермен чиққан — Сен Жермен шундан бошланади. Вақти келиб, яна ўша девор орасига кириб кетадигандай. Худди Калиостро каби унинг ҳам битмас-туганмас бойлиги-ю, ўзининг келиб чиқиши ҳақида биз ҳам жуда оз нарса биламиз.

Граф ўзи ҳақида гапиришни истамасди, лекин баъзан тасодифан оғзидан гуллаб қўярди. Шунда унинг гап-сўзидан Афлотун ва Сенекалар билан суҳбатлашгани, Ашшурбанипал базмида иштирок этгани, пайғамбарларни танигани маълум бўларди. Граф Дрездендалик чоғида, унинг аравакашидан бир кимса, ростдан ҳам, хўжайинингнинг ёши тўрт юздами деб сўраганида, у соддадиллик билан "аниқ билмайман" деб жавоб берган экан.

— Бироқ жанобларига 130 йиллик хизматим чоғида у киши заррача ҳам ўзгармади, — деб қўшиб қўйибди.

Энг обрўли бой хонадонлар меҳмони сифатида граф тевараги дагиларни ўзининг муомаласи, донолиги, ўтмишни яхши билиши билан қойил қолдирарди. Хусусан, кекса зодагонлар уни кўрганларида ўзларини йўқотиб қўяр, ҳаяжонга тушарди. Бунинг боиси, унинг болалик чоғларидан бери ташқи қиёфасининг ўзгармаганидадир. У тўсатдан Парижда Сен Жермен номи билан пайдо бўлганга қадар уни Англияда кўришган, Голландияда ҳам билишган, Италияда учратишган экан. Унинг бир неча унвон ва номлар билан яшаганлиги маълум. Агар уни яхши танийдиган инсонлар гувоҳлик бермаса, маркиз Монтфера, граф де Беллами ва таниқли Сен-Жерменлар бошқа-бошқа инсонлар, деб ўйлаш мумкин бўларди. Бу киши турли ерларда, ҳар хил вақтда турли лақабу исмлар шодасини ҳосил қилган. Генуя ва Ливорнода Солтиков деган русчага уйқаш фамилия остида ўзини рус генерали, деб таништирган.

Баъзилар уни испан деса, бошқалар француз ё португал деб ҳисоблайдилар, яна бирлари ҳатто рус ҳам дейдилар. Ҳамма нарса графнинг ёшини аниқлашга хизмат қилган. Унинг замонида тарих ҳали мангулик хапдориси — "оби ҳаёт" изланишлари билан алоқадор воқеаларни унутмаган эди. Шунинг учун ҳам граф абадийлик дорисини тайёрлашни билар экан, деган гап тарқалганига ажабланмаса ҳам бўлади. Ушбу сир ҳақида Сер-Жерменнинг Лондонга ташрифи муносабати билан "Лондон хронике" газетаси 1960 йилнинг 3 июнида шов-шув тарқатган эди. Такалуф билан ёзилган мақолада графнинг фазилатлари, хислатлари бирма-бир саналади, донишмандлиги уқтирилади. "Франциянинг маликаси" маркиза де Помпадур ҳам, ана шу оби ҳаётдан қирол хушторига бир оз улуш беришини ўтиниб сўраган экан. Калиостро билан Сен-Жермен замондош эдилар. Инквизация суди баённомаларидан, Калиастро қайдларидан у Сен-Жермен билан учрашганини билиб оламиз. Калиастро бир идишда Сен-Жермен "мангу сув"ни сақлаганини таъкидлайди.

Франциядан Сен-Жермен кутилмаганда ва нима сабабдан кетганлигини аниқлаб бўлмайди. Маркиза де Помпадур қўллаб туришига, шахсан қиролнинг ўзи жуда катта иззат-икром кўрсатганига қарамай, бу ғалати инсон тўсатдан Париждан чиқиб кетади. Қаергa ва нима учун денг! У бехосдан Голштинияда пайдо бўлиб, у ердаги қасрида танҳоликда бир неча йил умр кечиради. Айтишларича, у 1784 йили ана шу қасрда оламдан ўтган...

*(Давоми келгуси сонда)*

**Мурод АЛИ таржимаси**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-317. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6